

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЭРОН ПАРЛАМЕНТИНИНГ РАЎБАРИ БИЛАН КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июль кун
Эрон Ислон Республикаси Ислоний Кенгаш Мажлиси раиси Муҳаммад Багир Қолибоф бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий кўн тартибининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни юқори суръатда давом эттириш ва устувор йўналишларда кенгайтиришга хизмат қилаётган фаол мулоқотлар ва сермахсул алмашинувларни мамнуният билан қайд этди.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик кўрсаткичлари ўсаётгани кузатишда — жорий йил бошидан товар айирбошлаш 40 фоизга, қўшма корхона ва лойиҳалар сони 360 тадан ошди. Февраль ойда Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ҳамда икки мамлакат ишбилармон доиралари ва етакчи корхоналари вакиллари иштирокида бизнес форуми муваффақиятли ўтказилди. Келгуси ойларда қатор муҳим икки томонлама тadbирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Ислоний Кенгаш Мажлиси раиси Ўзбекистон етакчисига Эрон Президенти Иброҳим Раисийнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказиб, Эрон томони дўст давлатларимиз ўртасидаги кенг қўламли

муносабатларни мустаҳкамлаш ва амалий мазмун билан бойитиш борасида қатъий эканини таъкидлади.

Музокараларда ўзаро савдо ҳажмининг ошиши учун қўлай шароитларни шакллантириш, транспорт ва логистика соҳасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш, илмий-техник алмашинув дастурларини амалга ошириш, ҳудудлар ва тadbиркорлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Келишувларни амалга ошириш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳаларини илгари суриш мақсадида самарали парламентлараро мулоқотни давом эттиришга келишиб олинди.

Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ушбу мамлакатда узоқ муддатли тинчликка эришиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши йўлидаги кўмакни кенгайтириш муҳим экани қайд этилди.

Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари, шу жумладан, жорий йил сентябрь ойда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг кўн тартиби кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ 2 ИЮЛДАГИ
«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУДУДИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ
ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ПФ–164-СОН ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИРИШ
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунига мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–164-сон Фармонининг 2-бандидаги “соат 21:00 дан соат 07:00 га қадар” сўзлари “соат 23:00 дан соат 05:00 га қадар” сўзлари билан алмаштирилсин.
- Мазкур Фармон имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва оммавий ахборот воситаларида дарҳол эълон қилиниши шарт.
- Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига тасдиқлаш учун юборилсин.
- Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 13 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

КОНЦЕРТ-ТОМОША ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ШАХСЛАРДАН
ДАВЛАТ БОЖИНИ УНДИРИШ ҲАМДА УЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божини ундириш ва ушбу лицензияга эга шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ҳамда санъаткорлар учун қўлай иқтисодий муҳит яратиш мақсадида:

- Концерт-томоша фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи ижрочиларнинг рейтинг гуруҳлари сони амалдаги 6 тадан 3 тага қисқартирилсин.

Бунда аҳолига концерт-томоша хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи ижрочиларнинг рейтинг гуруҳлари орасида қуйидагича тақсимланади:

- I рейтинг гуруҳи ижрочиларига: республика ҳудудида ва унинг ташқарисида яққахон концерт ташкил этиш;
- II ва III рейтинг гуруҳлари ижрочилари учун назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш;
- II рейтинг гуруҳи ижрочиларига: битта жанрнинг икки ва ундан кўп ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурида, турли жанрлар йўналишларининг бир неча ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурида қатнашиш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

2022 – 2026 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ
МЎЛЖАЛЛАНГАН «ХАВФСИЗ ВА РАВОН ЙЎЛ»
УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантириш ва йўл ҳаракати иштирокчилари учун қўлай шароитлар яратиш мақсадида:

- Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш, шу жумладан, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш мақсадида қуйида

гиларни назарда тутувчи 2022 — 2026 йиллар давомида республика ҳудудида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

автомобиль йўллари инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш;

(Давоми 2-бетда).

Мулоқот

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР
РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Эрон Ислон Республикаси Ислоний Кенгаш Мажлиси раиси Муҳаммад Багир Қолибоф бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Эроннинг савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасида қонунчилик органларининг аҳамияти ва ўрнини юксалтириш бўйича фикр алмашилди.

Учрашув якунида парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштиришга келишиб олинди. Бу борада минтақавий ҳамда халқаро парламентлараро ташкилотлар, жумладан, Осиё Парламент Ассамблеяси имкониятларидан кенг фойдаланиш назарда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

ЭРОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН
УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида парламент қўйи палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов Эрон Ислон Республикаси Ислоний Кенгаш Мажлисининг раиси Муҳаммад Багир Қолибоф бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Сўҳбат аввалида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Эрон Ислон Республикаси Ислоний Кенгаш Мажлисининг раисини юртимизга таширифи билан самимий қўллаб, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фаолиятига муваффақият тилади.

Учрашувда кейинги йилларда икки томонлама муносабатларнинг босқичма-босқич ривожланиб бораётгани, мамлакатларимиз ўртасида сиёсий ва иқтисодий соҳадаги мулоқотларнинг фаоллашгани ижобий баҳоланди.

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН
ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 14-15 июль кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги музокаралар кўн тартибидан Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Асосий йўналишлардаги амалий алоқаларнинг, шу жумладан, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини йўлга қўйиш, транспорт-транзит салоҳиятини самарали ишга солиш, сув ҳўжалиги соҳасида муҳим лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудлараро мулоқотни фаоллаштириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинув дастурларини давом эттириш истиқболлари диққат марказида бўлади.

Давлат раҳбарлари халқаро аҳамиятга молик масалалар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жihatлари юзасидан фикр алмашиниш кутилмоқда.

Саммит якунида Қўшма баёнот ва қатор икки томонлама ҳужжатлар

имзоланиши режалаштирилган.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида учрашув ўтказиши ва Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишиши кўзда тутилган.

Ушбу ташрифга тайёргарлик доирасида 1-2 июль кунлари Тошхўвўз шаҳрида Сув ҳўжалиги масалалари бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссиянинг тadbирлари муваффақиятли ўтди.

12 июль кунли пойтахтимизда икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва стратегик шериклик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига бағишланган Ўзбекистон — Туркменистон илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ташриф арафасида Бухоро шаҳрида биринчи Ҳудудлар форуми, Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон ва Туркменистоннинг етакчи корхоналари кўргазмаси ўтказилмоқда.

ЎзА.

ЯҚИН ҚЎШНИ ВА
ИШОНЧЛИ ДЎСТ

Президент Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг 14-15 июль кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтади.

Ўзбекистон — Туркменистон саммити яхши қўшничилик сиёсати давомийлигини ифода этиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш тизимига айланиши, икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очиши, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланишга эришиш жараёнига муҳим ҳисса бўлиб қўйилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон минтақадаги яқин қўшнilar ва вақт синовидан ўтган ҳамкорлар сифатида мустақилликнинг дастлабки кунлариданқ ўзаро ҳамкорликни фаол-

лаштириш, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларига асосланган самарали сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш йўлини танлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро жараёнлардаги иштироки сезиларли даражада юксалди. Мамлакатимизда кечаётган кенг қўламли ўзгариш ва ислохотлар ташқи сиёсатимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон олдинги даврларга нисбатан анча фаол ва прагматик ташқи сиёсат олиб бораётир. Бу сиёсат ўзининг прогрессив характери ва тинчликпарварлиги билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда.

Акс садо

Куни кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан мамлакатимиз раҳбари ташаббуси асосида Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлини мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциянинг қабул қилинганлиги, шубҳасиз, Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги навбатдаги муҳим воқеалик бўлди. Айни чоғда бу Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги обрў-нуфузи ортиб бораётганидан далolat беради.

Мазкур резолюция 2021 йилда Тошкентда бўлиб ўтган “Марказий ва Жа-



нубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция доирасида Президентимиз илгари сурган тақлифлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, 40 давлат унга ҳаммуаллифлик қилди. Резолюциянинг БМТ аъзолари томонидан яқдллик билан қабул қилинганлиги икки минтақани ўзаро боғлаш масаласида аъзо давлатлар ўртасида ўзига хос консенсус мавжудлигидан далolat беради.

Қабул қилинган резолюцияда иқтисодий ҳамкорлики кенгайтириш, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақа-

ларининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қаратилган халқаро ҳамжамиятининг умумий саъй-ҳаракатлари алоҳида эътироф этилган.

Ҳужжатда Вена декларацияси ва унинг 2014 — 2024 йилларга мўлжалланган денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар учун ҳаракат дастурини амалга ошириш бўйича ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, хусусан, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш,

Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳамда уларнинг транспорт, транзит ва сарможий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун транспорт ҳамда транзит йўлақларининг муҳим аҳамияти алоҳида таъкидланган.

Резолюцияда Афғонистоннинг Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасидаги алоқаларни ўрнатишдаги роли ҳам алоҳида эътироф қилинган бўлиб, улкан минтақада мустақкам тинчлик-барқарорлини таъминлаш учун ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва минтақалараро иқтисодий жараёнларга интеграциялашуви муҳимлиги қайд этилган. Шу билан бирга, унда ҳар икки минтақа учун бир қатор долзарб ташаббуслар ўз аксини топган, уларнинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши, шубҳасиздир.

Хусусан, транспорт ва ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини кенгайтириш, денгиз портлари ва арзон ҳамда хавфсиз йўл очувчи янги халқаро транспорт йўлақларини барпо этиш орқали Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги ҳамкорлигини изчил ривожлантириш тавсия этилган бўлиб, бу икки минтақа халқларининг орзу-умидлари ҳамда интилишларига ҳамоҳангдир.

Резолюцияда, шунингдек, ҳар икки минтақанинг моддий ва номоддий маданий меросини ўрганиши, асраб-авайлаш, туризмини ривожлантириш, халқ дипломатиясининг муҳим омиллари бўлган фан-техника соҳасида ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланган. Бу айна мудоао бўлиб, келгусида икки минтақа халқларини бир-бирига ўзаро яқинлаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, резолюцияда Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакатлари 2030 йилга мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, шунингдек, “яшил энергетика” соҳасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлиги қайд этилган.

Шубҳасиз, БМТ Бош Ассамблеясининг мазкур резолюцияси халқаро ҳуқуқий асос сифатида икки минтақа алоқаларида янги босқични бошлаб беради. Резолюция ҳар икки минтақа мамлакатларининг ўзаро манфаатли савдо алоқалари, илмий ва маданий алмашинувларни ривожлантириш бўйича минг йиллик анъаналарни қайта тиклашга хизмат қилади. Зеро, минтақалараро борди-келди алоқалар ўтмишда инсоният тарихидаги энг буюк цивилизацияларни барпо этишга имкон берган эди.

Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Сенатор ва ҳаёт
АҲОЛИ ҲУҚУҚИЙ
ЯНГИЛАНИШЛАР МОҲИЯТИДАН
ХАБАРДОР ЭТИЛМОҚДА

Айни кунларда Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторлар юртимизнинг барча ҳудудида хизмат сафарига бўлиб турибди. Аҳоли вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ўтказилаётган учрашувларда бир қатор масалаларга алоҳида урғу берилмоқда.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти батафсил тушунтириляпти. Айни чоғда Олий Мажлис Сенатининг йигирма саккизинчи ялпи мажлисида мазкурланган қонунлар ва қўрилган бошқа масалалар мазмун-моҳияти очиб берилляпти. Қолаверса, парламент юқори палатаси ва унинг тузилмаларининг қарорлари ихроси ўрганилмоқда.

Хизмат сафари давомида Сенатга келиб тушган муножаатларни қўйида ўрганиш, улар юзасидан учрашувлар ўтказиш ҳамда бу борада амалий ёрдам кўрсатиш, фуқароларни қийнаб келаятган муаммоларни аниқлаш мақсадида аҳоли билан мулоқотлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шундай тадбирлардан бири Хоразм вилоятида бўлиб ўтди. Сенатор ва депутатлар, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари котибиятлари мудирлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган давра суҳбатида юқоридан номи келтирилган қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Унда қатнашган Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжаллиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев ушбу ҳужжатнинг инсон қадрли, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати сифатидаги аҳамияти ва мазмун-моҳиятига ҳамда умумхалқ муҳокамаси жараёнида фуқа-

роларнинг фаоллигини ошириш масаласига кенг тўхталди.

— Президентимиз таъкидлаганидек, “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи — халқдир”. Сенаторларнинг жойларда ўтказаятган учрашувлари конституциявий ислохотларнинг моҳиятини кенг тарғиб этиш, фуқароларда ушбу муҳим ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини оширишга ёрдам беради, — деди Б. Тожиев. — Учрашувлар жараёнида бошқа бир қатор масалалар ҳам қўрилмоқдаки, бу мулоқотларнинг янада мазмунли бўлишига хизмат қилмоқда.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ёшлар иштирокида ўтказилган ҳуқуқ мулоқотда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонава қатнашди.

Учрашув асосида Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти ҳамда кейинги йилларда мамлакатимизда юз берган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, ёшларнинг илм-фан, маданият ва спорт, тадбиркорлик, бандлик ҳамда таълим соҳасига оид тақлифлари эшитилди.

Яқунда иштирокчиларга эсдалик совғалар топширилди.

Сенаторларнинг жойлардаги мулоқотлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Сарҳисоб

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллигида ўз фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлар ва юклатилган вазифалар, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда комиссиянинг 2021 йил тасдиқланган 1158-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ихроси ўз муддатида ва сифатли бажарилиши таъминланди.

Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари, халқаро кузатувчилар тавсиялари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида сайлов қонунчилиги ҳамда амалиётини тақомиллаштириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, хорижий давлатлар тажрибасини ва жадоний амалиётини ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан шериклик доирасини кенгайтириш, сайлов ташкилотларини тайёрлаш ва

уларнинг малакасини ошириш тизимини тақомиллаштириш каби устувор йўналишлар бўйича олиб борилди.

Қолаверса, сайлов жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий қилиш, Марказий сайлов комиссияси фаолияти самарадорлигини ошириш, Котибияти тузилмаси ва фаолиятини тақомиллаштириш, сайлов жараёнларининг очиклиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш ва аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш, маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш ҳам диққат марказида бўлди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Иш режада мамлакатимизда амалга ошириляётган ижтимоий-сиёсий ислохотлардан келиб чиқиб, устувор вазифалар кўзда тутилган. Иккинчи ярим йилликда ўтказилиши режалаштириляётган Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик қўриш, уни юқори савияда ташкил этиш Марказий сайлов комиссиясининг устувор вазифаси эканлиги белгиланди.

Мажлисда мамлакатимизда олиб борилаятган конституциявий ислохотлар муносабати билан республикада

ўтказиладиган референдумга пухта тайёргарлик қўришга доир масалалар ҳам қўриб чиқилди. Бу борада “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ихросини таъминлаш мақсадида тайёрланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича комиссия аъзолари Г. Раҳимова, Б. Юнусов ва А. Ибодуллаев томонидан ахборот берилди.

Референдумда қонунчилик, ҳолислик ва очикликка эришишда кузатувчиларнинг фаолияти жуда муҳим аҳамият касб этади. Хорижий ва маҳаллий кузатувчилар ишини тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси референдумида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги ҳамда сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар фаолияти тартиби тўғрисидаги низоамлар қабул қилинди.

Шунингдек, аввалги сайловларда хориждаги ватандошларимизнинг фаол иштирокини ҳисобга олган ҳолда ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш ва референдумда овоз беришда қўлайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум ўтказувчи участка комиссияларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоам тасдиқланди.

Мажлисда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАЗМУНИ ЧЕККА МАНЗИЛЛАРДА ҲАМ ТУШУНТИРИЛЯПТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудлардаги фаолияти давомида аҳоли вакилларига “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини батафсил тушунтирмоқда.

Бу каби учрашув ва тарғибот ишлари фуқароларнинг конституциявий ислохотлар жараёнидан хабардорлигини оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Депутатлар — ҳудудларда

Конституциявий ўзгаришлар — ҳаётини зарурийат

Фаргона туманида ўтказилган “Конституция — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолати” мавзусидаги тарғибот тадбирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Дилбар Мамажонова иштирок этиб, Конституциявий қонун лойиҳасидан ўрин олган ўзгариш ва қўшимчаларнинг долзарблиги, зарурияти ҳамда мазмун-моҳияти ҳақида сўз юрляпти.

Учрашувда Обод маҳалласи раиси А. Қаримқўжаев, Наврўз маҳалласи раиси Ш. Хайдаров ҳамда маҳалла фаоллари сўз олиб, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазалари, асосли тақлифларини айтди.

Хусусан, мамлакатимизда кечаётган конституциявий ислохотлар жараёни қизгин паллага кирганлиги ҳамда ўтган давр мобайнида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар бўлганлиги таъкидланди. Маҳаллаларнинг мақоми ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифалари Асосий Қонунимизда аниқ белгиллаб қўйилаятганлиги қўпчилик юртдошларимиз эътибор марказида эканлиги қайд этилди.

Ислохотлар тараққиётга хизмат қилади

Инсоннинг меҳнатга ва муносиб ҳаёт шароитларига, ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, камбағиллигини қисқартириш — конституциявий ислохотларнинг муҳим мақсадирид.

Мамлакатимизда ўтган қисқа даврда ижтимоий муаммоларни бартараф қилиш мақсадида жорий

этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтери”, “ёшлар дафтери”, маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизимлари ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бермоқда.

Аммо мазкур ишлар мунтазам, тизимли амалга оширилиши, орта қайтмайдиган жараёнга айланиши учун мустақкам конституциявий кафолат лозим. Айни мана шу жиҳатлар Конституциявий қонун лойиҳасидан ўрин олган.

Бойсун туманидаги энг чекка маҳалла ва қишлоқ аҳолиси вакиллари иштирокида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ҳазратқул Ҳўжамқулов ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида ўтган учрашувда Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва унинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди.

Давра суҳбатидан сўнг депутат ва аҳоли вакиллари ўртасида тадбиркорликка жалб қилиш орқали ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш ва бошқа муҳим масалалар борасида мулоқот бўлиб ўтди.

Экологик хавфсизлик — долзарб масала

Избоскан туманидаги “Тараққиёт” МФЙда Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Н. Юсупов иштирок этиб, йилгиланларга мамлакатимиз Бош қомусига киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳусусида маълумот берди.

Қайд этилганидек, инсоннинг камол топиши, фаровон ҳаёт кечиришида қулай ва хавфсиз

атроф-муҳит, экологиянинг аҳамияти беқийс. Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаятгани экологик хавфсизлигини қоят долзарб масалага айлантирди.

— Қонун лойиҳасида ушбу йўналишга доир экологик-ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топаётгани эътиборга молик, — дейди қуйи палата депутаты Н. Юсупов. — Зеро, бундай конституциявий ўзгаришлар жамиятда фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, айнқикса, мансабдор шахсларнинг табиат ҳимояси учун масъулиятини ошириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Тадбирда сўзга чиққанлар Конституцияга киритилаятган ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати

Богот тумани ҳокимлигида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Б. Тўразода Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувидagi нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида тўхталиб, Бош қомусимизга киритилаятган ўзгариш ва қўшимчалар ҳусусида маълумот берди.

Конституциявий ислохотларнинг энг асосий устувор вазифалари — инсон манфаатини тўғридан-тўғри ва самарали ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

Тадбир давомида иштирокчилар Конституциявий қонун лойиҳасига ўз тақлифларини билдирди, берган саволларига мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланади

Барча ҳудудда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам “Ўзбекистон Республикасининг Конститу-

циясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Бувайда тумани тиббиёт бирлашмасидаги мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мавлуда Ибрагимова иштирок этди.

Тадбирда давлат тиббий сўғурта тизими қўп босқичли механизм эканлиги, шу боис “электрон поликлиника” тизимини ривожлантириш, рақамлаштириш, хатловдан ўтган фуқароларнинг электорал базага киритиш, реестрини юритиш борасидаги ишларни тўлиқ амалга ошириш лозимлиги айтилди.

Таъкидланганидек, бу янги тизимнинг Бош қомусимизда ақш этиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш билан бирга, коррупциянинг олдини олишга, хизмат сифатини оширишга кенг йўл очди.

Сўз олганлар Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

Ўзгаришлар аҳоли учун янги имкониятлар яратаяди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мавжуда Ҳасанова Сурхондарё вилоятининг Ўзун туманида аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда.

Хусусан, “Файзова” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда депутат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилиши мўлжалланаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Бунда Бош қомусимизда аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилувчи янгилликлар ифодасини топаётгани таъкидланди. Ўз навбатида, тадбир иштирокчилари тақлиф ва муносабатларини билдирди.

Ўзун туманидаги Нурили келажак маҳалласида ҳам ана шундай мулоқот ташкил этилди. Унда қатнашган фуқаролар конституциявий ислохотлар борасида депутатдан батафсил маълумот олдилар.

«Халқ сўзи».

Давра суҳбати

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ ТЎРТ МУҲИМ ҲАЛҚАСИ

Боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалалари конституциявий даражада мустаҳкамланмоқда.

Ёдингизда бўлса, Президентиимизнинг Конституция кунли байрами муносабати билан йўллаган таъбирида учинчи Ренессанснинг тўрт муҳим ҳалқаси бўлимиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш вазифалари белгиллаб берилган эди. Ана шундан келиб чиқиб, Асосий Қонунимизнинг 41-моддасига қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Куни кеча Термиз шаҳрида вилоят Кенгаши депутатлари ва котибиятлар ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар ва фуқаролар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида ушбу масала атрофлича таҳлил қилинди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одиложон Иминов томонидан таъкидланганидек, Конституциянинг “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга”, “Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиди” ёки “Мактаб ишлари давлат назоратидадир” каби қисмлардан иборат 41-моддаси бугунги ислохотлар талабига жавоб бермай қолгани боис у тубдан ўзгартрилмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 46-мақсадида давлат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериши, шу жумладан, улар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сонини, тўлов-шартомна микдори ва таълим шаклини мустақил белгиллаш амалиётини йўлга қўйиш вазифалари белгиланган. Сўз юритилаятган модданинг аниқлианиши ушбу вазифани муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Негаки, ушбу янгилликка қўл урилишидан олдин Россия, Украина, Қирғизистон сингари давлатларнинг шу масала билан боғлиқ тажрибаси атрофлича ўрганиб чиқилди.

Шундай қилиб, мазкур қўшимчалар билан нафақат давлат таълим ташкилотларини, қолаверса, нодавлат ёки ҳусусий ёҳуд давлат-ҳусусий шериклик асосидаги таълим муассасаларини кенг ривожлантириш учун давлат томонидан шароит яратилиши, яъни муҳим қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, субсидиялар ёки имтиёзли кредитлар бериш каби йўллар билан ёрдам кўрсатилиши аниқ белгиллаб қўйилмоқда.

Тадбирда айтилганидек, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасидаги “Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг касбий фаолиятига аралашишга, таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва ҳолис баҳолашга таъсир кўрсатишга, шунингдек, ушбу педагог ходимларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди”, деган норма Конституция даражасига қўтирилмоқда. Эътиборлиси, бунга ўхшаш қоидалар Германия, Португалия, Миср давлатлари конституцияларида ҳам белгиллаб қўйилган бўлиб, амалда қутилган самарасини бераётир.

Иштирокчилар қайд этганидек, мамлакат илм-фани ривожини учун давлатнинг қўмаклашиши мажбуриятининг Асосий Қонунда белгиланиши илмий-инновацион салохиятини янада кучайтиришга хизмат қилади. Айни чоғда фуқаролар танлов асосида олий таълимни давлат олий таълим муассасаларида олиши мумкинлиги ҳам Конституция даражасида кафолатланмоқда.

Давра суҳбатида мазкур ўзгаришлар мазмун-моҳияти атрофлича таҳлил этилди ҳамда иштирокчиларнинг шулар юзасидан тақлиф ва тавсиялари эшитилди.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ ТРЕНЕРЛАРГА АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Кеча Тошкент шаҳрида “Гендер зўравонликка идоралараро жавобан Стандарт операцион иш тартибларини амалиётга татбиқ этишни янада кенгайтириш” мавзусида семинар-тренинг ўз ишини бошлади.

